

Намоз, намоз, намоз

Image not found or type unknown



17:00 / 02.02.2022 7315

Аллоҳ таоло Қуръони Каримда шундай марҳамат қилган:

إِذَا فَرَغْتَ فَانصَبْ وَإِلَىٰ آلِكَافِرِينَ فَالْتَمِمْ **إِذَا فَرَغْتَ فَانصَبْ وَإِلَىٰ آلِكَافِرِينَ فَالْتَمِمْ**
أَبَاتِكَ نِيْئًا مِّنْهُمْ لِيَلْعَنَ آلَكَ وَالَّذِينَ
تُؤْتُونَ

«Намозни тугатганингиздан сўнг Аллоҳни тик турган, ўтирган ва ёнбошлаган ҳолингизда зикр қилинг. Хотиржам бўлганингизда намозни тўлиқ адо этинг. Албатта, намоз мўминларга вақти тайин фарз бўлгандир» (Нисо сураси, 103-оят)

Аллоҳ таоло бу оятда бизни намозни адо этганимиздан сўнг У Зотни тик турган, ўтирган ва ёнбошлаган ҳолимизда, яъни қандай ҳолда бўлсак ҳам (ҳожатхона ва ҳаммомдан ташқари) зикр қилишга буюрмоқда. Шунингдек,

Йўлга қодирларгина ҳажга боради. Бу қодирлик ҳукумат рухсат берган бўлиши, маҳаллада навбати келган бўлиши, бориб-келишга маблағи бўлиши, бориб-келгунича оиласига нафақа учун қолдириб кетадиган маблағи бўлиши, саломатлиги яхши бўлиши ва ҳоказо омиллардир. Демак, ҳажга борадиган мусулмонларнинг сони камайяпти.

Нима қолди? Намоз қолди! Ҳа, намозни ҳамма адо этади. Рўза тутолмаган ҳам, закот беролмаган ҳам, ҳажга боролмаган ҳам намозини адо этади.

Жазоир мамлакатида намоз ўқиб, рўза тутиб, закот бериб, ҳажга ҳам бориб келган мусулмонга мурожаат қилишганда, бизга ўхшаб “ҳожиди ака” дейишмас экан. Улар ҳажга борган инсонга йўлиқиб қолсалар, “Аллоҳ таоло сизга Исломининг бешта устунини бажариш неъматини ато қилган. Сиз шундай бахтли инсонсиз” дейишар экан.

Демак, Ўзбекистонда яшаётган мусулмонларнинг қанчадир фоизи Исломининг беш рукнини бажарган, бажараётган инсонлар, бахтли инсонлар. Қанчадир фоизи Исломининг тўртта рукнини бажарган инсонлар, яъни закот ҳам берган, ҳали ҳаж насиб қилмаган. Қанчадир миқдори закотга қодир эмас, балки Исломининг учта рукнини бажарган: иймони бор, намози бор, рўзаси бор. Энди қанчадир миқдорида иймони бор, намози бор. Ҳали рўза насиб қилмади. Қандайдир сабаб бўлиб рўза тутолмади. Ёки энди намозга кирди, Рамазон келса, рўза тутайди. Ўтган йили Рамазонда нимадир сабаб бўлиб рўза тутолмади. Энди намози ҳам бўлмаса, иймони жуда қувватсиз бўлиб қолади. Жуда ҳам заиф бўлиб қолади. Ағанаб кетиш хавфи кучли. Агар иймон йиқилиб тушса, иймондан жудо бўлиб қолиши мумкин. Аллоҳ таоло асрасин! Иймонни ушлаб, унга суянч, тиргак бўлиб турадиган ёнидаги намоз доим бирга туриши керак.

Намоз ҳеч қачон, ҳеч кимдан соқит бўлмайди. Тик туришга қодир бўлса, тик туриб ўқийди. Узри бўлмаса, намозни жамоат билан адо этади. Агар жамоатга боришга бирор узри бўлса, уйда ўқийди. Агар тик туришга қодир бўлмаса, ўтириб ўқийди. Ўтириб адо этишга қодир бўлмаса, ёнбошлаб адо этади. Имо-ишора қилиб бўлса ҳам намозини адо этади. Демак, намоз ҳеч кимдан соқит бўлмаяпти. Рўза тутса, тузалиши кечикадиган ёки касали кучайиб кетадиган ҳалиги рўза тутмасликка рухсат берилган бемор ҳам намозини адо этади. Рўза тутса, сафариди машаққатга учраса, рўза тутмасликка рухсат берилган мусофир ҳам намозини қаср қилиб адо этади. Закот беролмайдиган, ҳажга боролмаётган мусулмонлар ҳам намозларини адо этишади.

Намозга жуда эътиборли бўлайлик! Уни қолдирмайлик, қазо қилмайлик, кечиктирмайлик, вақтида адо этайлик!

لَمَعَلَّأَيُّكُمْ يَبْنِي لِأُتَى لَأَسْ: لَأَق هِنَع هَل لَأ يَضُر دَوَع سَم نَب هَل لَأ دَب ع ن
نُي دَل أَو لَأ رِب: لَأَق ؟ أَيُّ مَث لَأَق أَو تَقْو و لَعُ ةَ الصَّلَا لَأَق ؟ هَل لَأ يَلِ إِبْحَ أ
هَل لَأ لَبَس ي فُ دَأ و ج لَأ لَأَق ؟ أَيُّ مَث لَأَق

Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан: «Аллоҳга энг маҳбуб амал қайси?» деб сўрадим. Шунда У Зот: «Ўз вақтида ўқилган намоз» дедилар. Мен: «Кейин қайси?» дедим. У Зот: «Ота-онага яхшилик қилиш» дедилар. Мен: «Сўнг қайси?» дедим. У Зот: «Аллоҳ йўлида жиҳод қилиш» дедилар. (Бухорий ривоятлари)

Ушбу ҳадисда Аллоҳ таолога энг маҳбуб амалларнинг биринчиси ўз вақтида ўқилган намоз экани таъкидланяпти. Намознинг улуғлигини, аҳамияти юксаклигини шу ҳадис ҳам яққол кўрсатиб турибди.

Аллоҳ таоло барчамизни намозини ўз вақтида, ихлос билан, масжидларда, жамоат билан адо этадиган бандаларидан қилсин! У Зот барчамизни Ўзининг ҳидоятидан айирмасин ва хотимамизни чиройли қилсин!

Интернет маълумотлари асосида Нозимжон Ҳошимжон тайёрлади